МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✻ 2013 йил 13 апрель. Шанба №31 (891) ✻ www.mahallagzt.uz ✻ info@mahallagzt.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2013 йил 14-15 апрель кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Ташриф доирасида давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастурини, Сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим ҳамда икки мамлакат Президентлари томонидан 2012 йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган бошқа ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ЭЪТИБОРИДА

**Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки тобора кенгайиб бормоқда.**

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш белгилаб берилган.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган ваколатларидан келиб чиқиб, юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолиятига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш амалиёти тобора такомиллаштирилмоқда.

> [2]

МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

## КЎҲНА НАҚШУ НИГОРЛАРДА ЗАМОН НАФАСИ

**Халқимизга хос миллий ҳунармандчилик намуналари, амалий санъат дурдоналари дунё аҳлини ҳайратта солиб келмоқда. Ҳунар эгалари меҳнатига муносиб рағбат ва эътибор берилиши эса, мамлакатимизда ушбу соҳанинг кенг қанот ёйишига, тадбиркорлик йўналишларининг ривожланишига замин яратди.**

Асрлар силсиласида сайқал топиб, авлоддан-авлодга безавол ўтиб келаётган ўнлаб ҳунар турларининг тараққий этаётгани иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатаётир. Миллий ҳунармандчилик орқали янги иш ўринлари яратилиб оилалар даромади ва фаровонлигининг юксалаётгани қанчалик қувонарли бўлса, бу ишларда маҳаллаларнинг бош-қош бўлаётгани мазкур таъсирчан бўғиннинг жамиятдаги мавқеи янада кучаяётганидан далолат.

Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида урғу берилиб: «Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади», дея таъкидланди.

> [3]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИ АСОСИДИР



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**«Янгиобод» Шайхонтоҳур туманининг энг катта маҳаллаларидан. Ҳудудда жойлашган якка тартибдаги хонадонлар ва кўпқаватли уйларда турли миллат вакилларидан иборат ўн минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.**

Азим Тошкентнинг бу маҳалласида, йиғин раиси Манзура Валиева алоҳида эътироф этганидек, миллий қадриятларни улуғлайдиган, ўзаро ҳурмат-иззати баланд, андишали инсонлар умргузаронлик қилишади.

Албатта, катта оиланинг қувончлари ҳам катта бўлганидек ташвишлари ҳам ўзига яраша. Йиғин ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аъзолари хонадонлардаги айрим тушунмовчиликлар ортидан келиб чиқаётган низоларга доимо муроса йўли билан ижобий ечим топишга интиладилар. Аҳоли ҳам комиссия аъзоларининг жонкуярлиги, фидойилигини қадрлайди, уларнинг қарорини тўғри қабул қилади.

Яраштириш комиссиясига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 та ариза тушган бўлса, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди. Комиссия аъзолари «бизнинг маҳаллада ажрим бўлмаслиги лозим», деган фикрни ўз фаолиятлари учун қоида сифатида қабул қилишган.

> [2]

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

## «ДЎСТЛИК»ДА ДЎСТЛАШИБ ЯШАЁТГАНЛАР



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**— Маҳалламизда Наврўз байрамини нишонлаяпмиз. Албатта, келинг. Сизни фуқароларимиз номидан таклиф этаман. Келсангиз турли миллат вакилларининг байрам тадбирини ўз кўзингиз билан кўрасиз.**

Маҳаррам опанинг таклифи билан дарҳол йўлга тушдим. Чунки ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, тожик, татар, корейс, грек, уйғур, араб каби жами 11 миллат вакиллари аҳил ва тотув умргузаронлик қилаётган маҳалла тадбирини кўриш ҳақиқатдан ҳам мен учун мароқли эди.

«Дўстлик» маҳалласи Конимех туманининг марказида жойлашган. Наврўз муносабати билан бу обод гўша янада файзиёб бўлибди. Бир томонда қозоғу қорақалпоқлар меҳмонларни ўз ўтовига таклиф қилса, бир томонда лапару ўлан айтаётган ўзбек қизлари эътиборингизни тортади. Миллий либослардаги корейс аёллари эса турли ноз-неъматлар билан дастурхонни безашган. Татарча шўх қўшиқлару зардўзи либослардаги тожик қизларининг айтишувлари дилга хушнудлик бағишлайди.

— Маҳалламизда икки минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Шундай байрам кунларида уларнинг бир оиладек иноқлигидан қувонаман, — дейди йиғин раиси Маҳаррам Уткилбаева. — Ҳозир келинларнинг миллий таомлар бўйича беллашуви бошланади. Улар танлов баҳона пазандалигини намоён этиб, йиғилганларни энг сара таомлар билан сийлашади.

> [2]

ЭЪТИРОФ

## ЗАВҚЛИ ВА УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР МАСКАНИ



**Истиқлол йилларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорликлар, одамларнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар хорижлик сармоядорлар, сайёҳларнинг юртимизга бўлган қизиқишларини янада кучайтирди. Улар бу ўзгаришлар ҳар жабҳада юз бераётганини эътироф этишмоқда.**

Қуйида Фарғона вилоятида «Вилоятнинг инвестициявий салоҳияти» мавзусида ўтган халқаро бизнес-форум иштирокчиларининг фикрлари билан танишасиз:

**Деепак РЕНА (Сингапур):**

— Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, хорижлик ишбилармонларни жалб этиш учун қулай инвестиция муҳити яратилган. Айниқса, тўқимачилик, енгил саноат жадал ривожланмоқда. Ўзбек пахта толаси қайта ишланиб, ундан тайёрланган кийим-кечаклар, асосан, хорижга экспорт қилинмоқда. Биз ана шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда «Индорама Қўқон текстиль» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасини ташкил этганмиз. Айни пайтда замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳларини маҳорат билан бошқараётган маҳаллий йигит-қизлар тайёрлаётган маҳсулотлар хорижда харидоргир. Мен ўзбек халқининг ўзига хос урф-одати, такрорланмас анъаналари, маҳаллалари ҳаёти ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўляпман.

Шаҳар ва қишлоқларда амалга оширилган ободончилик, аҳолининг ҳамжиҳатлиги, меҳмондўстлиги, тўй-томошалари эътирофга молик. Изланиш, меҳнат қилишдан қочмайдиган, танти одамлар билан елкама-елка туриб ишлашнинг гашти бўлакча. Келгусида истиқболли лойиҳаларни яна давом эттирамиз.

**Майк ЛУНД (АҚШ),**

— Фарғона ҳунармандчилиги ҳақида манбаларда қайд этилган маълумотларни бугун ўз кўзим билан кўриб, бу заминдаги ҳар бир инсон ҳунарманд эканига такрор ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, ишбилармонлар, оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонунлар юрт фаровонлиги ва тараққиётида муҳим аҳамият касб этаётир.

Маҳаллалар ва оилаларда ишбилармонлик муҳити шаклланган бўлиб, қатор бизнес лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қадим ҳунармандчилик мактаблари ривожланаётгани ҳайратимни оширди. Шаҳару қишлоқлар, маҳаллалардаги яратувчилик ишлари шу юрт ва унинг меҳмондўст инсонлари ҳақидаги таассуротларимни бойитди. Маҳаллий хомашёлардан тайёрланаётган саноат маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари менда катта қизиқиш уйғотди.

**Пётр САБОЛЕШСКИ (Польша):**

— Ўзбекистоннинг гавҳари — Фарғонага илк бор келишим. Бу ерда саховатли инсонлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Одамлар бунёдкорлик руҳи билан яшаётганини кўрдим. Ўз юрти, шаҳар ва қишлоғини севган киши ҳамиша эзгу мақсад сари интилиб яшайди. Юртингизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамлик, осойишталик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш керак.

Қисқа вақт бўлса-да, Фарғонанинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида кўпроқ маълумот олишга эришдим. Эски уй, кўча ва хиёбонлар ўрнида қад ростлаётган замонавий турар-жойлар, дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш тармоқлари эътиборимни тортди. Мен бу сўлим маскан ҳақидаги таассуротларимни асло унутмайман. Чунки илк таассурот кишини алдамайди.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

*Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Жиззах вилояти бўлимида қатор ишлар амалга оширилаётир.*

*Хусусан, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги ўрни, масъулиятини оширишга ҳамда фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга доир услубий қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилди.*

*Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида ишчи гуруҳлари шакллантирилиб, улар томонидан мактаб ўқувчиларини касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларга қамраб олиш бўйича жойлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг», «Тўғри танланган касб — оила фаровонлиги асоси» мавзусида юзлаб йиғилиш, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.*

*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда фуқаролар йиғинларида «Оила — муқаддас тушунча», «Оилавий анъаналар», «Ота ва она — оила таянчи», «Оилада шарқона садоқат» мавзуларида суҳбатлар ўтказилмоқда.*

*Бундан ташқари, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг касб-ҳунар ўрганишларини ҳамда келгусида муқим иш ўрнига эга бўлишини таъминлаш мақсадида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида бепул таълим олишида амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш, бундай хонадонларда вояга етаётган ёшларнинг билим ва тарбия олишларига кўмаклашиш бўлим мутасаддиларининг доимий эътиборида.*

*Ўқув муассасаларида маҳалланинг фаол ва фахрий вакиллари билан учрашувлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда турли ёт оқим ва бузғунчи ғояларга қарши курашиш, навқирон авлод вакилларида улуғ аждодларимизга, улар қолдирган меросга меҳр уйғотиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

*Фарзандларига таълим-тарбия беришда ижобий натижаларга эришган ота-оналарнинг тажрибалари оммалаштирилаётгани ҳам эътиборга молик.*

Узоқбой РИСҚУЛОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари.

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

## Кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 мартдаги «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бошқармалари билан ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга кўра, фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан аҳоли пункти ва объектларида кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда амалий-услубий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Маҳаллаларда кўнгилли ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ташкил этилиши ҳудудларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли ўртасида ёнғинга қарши кураш тарғиботини кучайтириш, электр энергияси ва газдан оқилона фойдаланиш қоидаларини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Р.ШЕРҚУЛОВ.**

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ЭЪТИБОРИДА



< [1]

Жамоатчилик назорати жамият ҳаётида ижтимоий адолат барқарорлиги учун шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик, масъулият ҳамда жавобгарлик бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда кенг жамоатчиликнинг иштироки зарурдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг самараларини бермоқда. Биргина автомобиль саноати соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Сўнгги ўн йилда республика йўлларида ҳаракатланадиган енгил автомашиналар сони деярли бир ярим баробарга кўпайди. Бундай юқори транспорт оқими шароитида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинарди. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун 1999 йилда амалиётга жорий этилган бўлиб, бугунги кун талаблари эса ушбу ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Жорий йилнинг 10 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишдаги иштироки белгиланган. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, махсус ваколатли давлат органларига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишга ҳақлидир.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тадбирларда иштирок этишга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қарорлар ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши белгилангани таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишда қўл келади.

Янги таҳрирдаги қонунда таклиф этилган янгиликлар қаторида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принципларига оид модда мавжуд. Унда бошқа принциплар қатори фуқаро ҳаёти ва саломатлиги устуворлиги, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилигини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, янги таҳрирдаги қонунда автомобиль йўллари ҳолатини яхшилашга оид моддалар сезиларли даражада ўзгартирилган. Қонун йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларни сақлашга оид нормалар билан тўлдирилган. Зеро, текис ва равон йўллар ҳаракат хавфсизлигининг муҳим омилидир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йўл қопламасининг бузилиши, чуқурлар кўпинча хавфли авария ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётир. Қонунда акс этаётган ушбу норма эса ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл бўйларида сервис объектлари ташкил этиш талаблари ҳам такомиллашаётгани, йўллар бўйида тиббиёт ва алоқа муассасаларининг жойлашуви, тегишли йўл участкаларида ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари ҳақидаги маълумотлар бўлиши шартлиги мустаҳкамланаётир.

Қонунда йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, уларнинг тегишли органларга йўл белгилари, светофорлар жойини ўзгартириш ва ўрнатиш бўйича таклифлар билан мурожаат этишларига оид ҳуқуқи белгиланмоқда.

Бу эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кучайтириб, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишда янада фаоллик ва масъулиятни талаб этади.

Хуллас, янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг амалиётга жорий этилиши фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этишга оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга, автотранспорт воситаларига эга корхона ва ташкилотлар масъулиятини оширишга, энг муҳими, йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига хизмат қилади.

**Феруза ОМОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

# «ДЎСТЛИК»ДА ДЎСТЛАШИБ ЯШАЁТГАНЛАР



< [1]

Дарҳақиқат, байрам дастурхонига қозоқ ва қорақалпоқлар бешбармоқ, шубат, қимиз, қорачой тайёрлашган бўлса, корейслар чимчи, хей, гуручли пирог ҳозирлашган. Тожикларнинг обинони, ўзбеклар палови, татарлар парамачию балиши, хуллас, турли-туман таомлар иштирокчиларга мунтазир. Қолаверса, барча бош қўшиб дошқозонда сумалак пиширибди.

Шомгача давом этган тадбирда борлиққа янги ҳаёт бахш этаётган баҳор, дўстлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик мадҳ қилинди.

— Ўзбекистон — менинг Ватаним. Мен шу юртда улғайдим, ўн беш йилдирки, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшаяпман, — дейди Тамара Шин. – Маҳалламизда 4 та корейс оиласи бор. Биз маҳалладошларимиз билан оғаинидекмиз. Олисдаги миллатдошларимиз билан телефон орқали суҳбатлашганда, кўришганда уларга маҳалламиз ҳақида, қўшнилар тўғрисида фахрланиб гапираман. Шундай аҳил инсонлар орасида яшаётганимдан ғурурланаман.

— Оилам — байналмилал, — дейди араб миллатига мансуб Маҳмуд Ражаб ўғли. — Турмуш ўртоғим ўзбек. Қўшниларимиз эса қозоқ, рус ва татар. Фарзандларимиз бирга ўйнаб катта бўляпти, бир-биридан тил ўрганяпти.

Азалдан боболаримиз қутбараканинг боши тозалик ва аҳилликда, деганлар. Ҳамжиҳатлик ва бирдамлик бор жойда ривожланишга эришилади, хайрли ишлар амалга ошиб, фаровонлик таъминланади. «Дўстлик» — Конимех туманидаги намунали маҳалла. 2012 йилда ўтказилган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг туман босқичида 1-ўринни эгаллаган йиғин туман ҳокимлиги томонидан тақдирланган эди. Танловнинг вилоят босқичида ҳам мазкур маҳалла намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, дея эътироф этилди.

— Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам катта эътибор қаратяпмиз, — дея суҳбатимизни давом эттиради Маҳаррам опа. — Аввалари бизда томорқадан самарали фойдаланишга унча эътибор берилмасди. Кейинги йилларда бир нечта иссиқхоналар барпо этилди. Ҳозир 50 дан зиёд хонадонда иссиқхона мавжуд. Айниқса, Раҳмат Жумаев ўз ҳовлисида лимонзор барпо этиб, даромадидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашяпти. Шунингдек, у ҳудудимиздаги 22-мактаб-интернатига ҳам ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Дарвоқе, мазкур мактаб-интернатида маҳаллий аҳоли фарзандлари билан бирга чўл ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолининг ўғил-қизлари ҳам таҳсил олади. Улар ётоқхона ҳамда тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган.

— Менинг фарзандларим ҳам ана шу мактаб-интернатда ўқишади, — дейди Сергей Ларцев. — Бу даргоҳда таълим қозоқ тилида олиб борилади. Болаларим рус тили билан бирга, қозоқ тилини ҳам пухта ўрганаётганидан хурсандман. Шунингдек, мактабда инглиз тилини ўқитишга ҳам эътибор катта. Ўғлим ва қизим бир-бири билан инглизча сўзлашади.

Ҳудуддаги Конимех иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ҳам турли миллат фарзандлари таълим-тарбия олиб, касб-ҳунар ўрганишмоқда.

— «Дўстлик»да оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Конимех тумани бўлинмаси раиси Васила Қаршибоева. — Ҳар ҳафтанинг сешанба куни мактаб ва коллежда ИИБ, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилади. Хусусан, одам савдоси, гиёҳвандлик, эрта никоҳ каби иллатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган бу тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Маҳалла тинч ва осойишта, ҳар қадамда яхши хабар, яхши амалга гувоҳ бўласиз.

Ҳа, «Дўстлик»да дўстлашиб яшаётганларга ҳавас қилса арзийди.

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

# Озодалик хушкайфият бағишлайди

**Март ва апрель ойларда юртимиз қиёфаси ўзгача чирой очади, маҳаллаларимиз, қишлоғу шаҳарларимиз яшилликка, гўзалликка бурканади.**



Ҳар йили мазкур ойларда Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилади. Анъанага мувофиқ, жорий йилги ойлик давомида ҳам мамлакатимизда атроф-муҳитни экологик муҳофазалайдиган минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, турфа хил анвойи гуллар экилмоқда.

Зангиота туманидаги «Обод» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилган.

— Тозалик, озодаликни хуш кўрмайдиган одам топилмаса керак, — дейди йиғин раиси Воҳид Назиров. — Маҳалламиз фаоллари билан ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари ҳашар уюштиряпмиз. Юзлаб маҳалладошларимиз ўз оила аъзолари билан чиқиб, атроф-муҳитни ободонлаштириш ишларига баҳолиқудрат ҳисса қўшаётир. Ҳамжиҳатликдаги меҳнат маҳалла аҳли ўртасидаги самимийлик, меҳр-оқибат каби эзгу тушунчаларни янада мустаҳкамлайди. Бу жараёнларда ёшларнинг фаол иштироки эса, улар онгида азалий анъаналаримизга, қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ойлик доирасида 16 та кўчанинг икки ёнига икки мингдан ортиқ мевали, уч юзга яқин арча, мингдан ортиқ терак экилди. Ўтган йили таъмирдан чиқарилган маҳалла идораси атрофларига манзарали дарахт билан бирга, 500 туп атиргул қадалди. Яна беш мингга яқин кўчат ўтқазишга тайёрлаб қўйилди. Бундан ташқари, 2 та кўчани таъмирлаш режалаштирилган.

Ҳашар баҳонасида маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қария ва ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда. Уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, тартибга келтириш, ҳовлисига гуллар экиб бериш ҳам йиғин фаолларининг диққат марказида.

**Р.ШЕРҚУЛОВ**
**«Mahalla»**

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЪНАВИЙ МУҲИТ БАРҚАРОРЛИГИ АСОСИДИР

< [1]

Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Саодат Зуфарова, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Инобат Турсунова, ҳудуд профилактика инспектори майор Шокир Жумаев ва бошқа фаоллардан таркиб топган комиссия «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси туман хотин-қизлар қўмитаси, ФҲДЁ бўлими, 43-, 46-оилавий поликлиникалар, нотариал идоралар мутасаддилари билан ҳамкорликда аҳоли иштирокида давра суҳбатлари ҳамда мулоқотлар ташкил этиб келаётир.

Мазкур тадбирларда эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аҳоли саломатлиги муҳофазасида тиббий кўрикнинг аҳамияти, уй-жой ва мерос масалалари юзасидан аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қаратилади.

— Оилаларда юзага келадиган келишмовчиликларга кўпинча ёшларнинг турмушга тайёр эмаслиги сабаб бўлади, — дейди Саодат Зуфарова. — Негаки, бирор касб-кор эгаси бўлмаган йигит ёки қиз катта ҳаёт остонасига қадам қўйгач, турли қийинчиликларга дуч келади. Шу боис ота-оналар, таълим муассасалари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёшларнинг бирор ҳунар, касбкорни пухта эгаллашининг долзарб аҳамияти хусусида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Бу эса, барпо этилажак оилалар пойдеворининг мустаҳкам ва турмуши обод бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Йигит ва қизларни оила қуришга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш мақсадида ташкил этиладиган учрашувларда маҳалладаги намунали оилаларнинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат қилиб кўрсатилади, улардаги фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тарғиб этилади, ўрнак олиш лозимлиги уқтирилади.

Маҳаллада спиртли ичимликларга ружу қўйган шахслар, жазони ўташ жойларидан қайтган кишилар билан тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, бандлигини таъминлаш, хонадонларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жамиятда ўз ўрнини топишларида ҳар томонлама кўмаклашиш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда.

«Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Яраштириш комиссияси аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун масъул тузилма сифатида ўз зиммасидаги масъулиятли вазифаларни астойдил адо этиб келаётир. Буни ҳудудда ўзаро меҳр-оқибат, қуни-қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлиги, хонадонлардаги маънавий муҳитта салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг бартараф этилгани, энг муҳими, аҳолининг маҳаллага ишончи ва ҳурмати баландлигидан ҳам англаш қийин эмас.

**Ф.ЭГАМОВА**
**«Mahalla»**




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ

**Глобаллашув шароитида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши, коммуникация ва ахборот технологияларининг тобора такомиллашиб бораётгани ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши ҳамда ушбу соҳадаги услуб ва воситаларнинг такомиллашувига сабаб бўлмоқда. Натижада мафкуравий кураш умумбашарий аҳамият касб этмоқда.**

Тинчлик уруш ва низоларга барҳам бериш орқали таъминланади. Афсуски, турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар ҳам мавжуд. Ана шундай тинчлик кушандалари бор экан, сунъий равишда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Бунга Афғонистон, Покистон, Ироқ, Сурия, Яман, Сомали, Мали каби мамлакатлардаги қонли тўқнашувлар мисол бўла олади.

Бу эса, биздан жамиятимизнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишларни янада самарали, таъсирчан ва тизимли олиб боришимизни талаб қилади.

Мафкуравий хавфсизлик — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан кафолатли ҳимояланганлигидир.

Бугунги кунда турли хил мафкура марказлари ўзларининг ғаразли ниятларига эришишда айрим фуқароларимиздан қурол сифатида фойдаланишга интилмоқдалар. Бу эса, мафкуравий хавфсизлик учун реал таҳдидлар борлигини кўрсатади. Шунингдек, қўшни давлатлардаги мавжуд терроризм ва диний экстремизм каби хатарли иллатлар ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Агар теварак-атрофимизга назар ташласак, манфаатдор кучлар томонидан динни сиёсийлаштириш орқали тинч мамлакатларда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга уриниш мазкур давлат аҳолиси учун мудҳиш ва аянчли оқибатларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, 2012 йили Покистонда 1577 та террорчилик ҳаракати содир этилган бўлиб, уларда 2050 киши ҳалок бўлган, 3822 киши тан жароҳати олган. Қўпорувчилик ишларининг 33 таси террорчиларнинг ўз-ўзини портлатиши орқали амалга оширилган.

«Толибон» ва «Ал-Қоида» гуруҳларининг жангарилари томонидан Покистоннинг биргина Хайбар-Пахтунхва вилоятида 2009-2012 йилларда 690 дан зиёд мактаб вайрон қилинган. Оқибатда бу мамлакатлардаги юз минглаб болалар қаровсиз ҳамда саводсиз бўлиб қолмоқда. Мудҳиш жиноятлардан яна бири ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болалардан худкушлик амалларида «тирик бомба» сифатида фойдаланишдир.

Жангарилар томонидан Покистоннинг Хайбар-Пахтунхва ва Федерал бошқариладиган ҳудудида сўнгги йилларда 500 дан зиёд тиббиёт пункти ва шифохоналарнинг портлатиб ёки ёқиб юборилгани, 50 дан зиёд шифокорнинг ўлдирилгани, Афғонистонда эса ўтган йили 44 бор гуманитар соҳа вакиллари — ўқитувчи, шифокорларга ҳужум уюштирилгани террорчи гуруҳларнинг қабиҳ ва жирканч мақсадлари йўлида нақадар тубанлашиб кетганлигига далил бўлади.

2012 йил Тожикистонда диний экстремистик фаолият билан шуғулланган 144 нафар шахс қўлга олиниб, 123 нафар шахсга нисбатан 30 та жиноий иш қўзғатилган. Жиноятчиларнинг 76 таси «Туркистон ислом ҳаракати» ва 36 таси «Ҳизбут таҳрир» оқимига мансуб шахслардир.

Баъзи маълумотларга кўра, Қирғизистонда сўнгги беш йил мобайнида диний-экстремистик оқим аъзоларининг сони ўн мартага кўпайиб, деярли 50 мингга етган. «Ҳизбут таҳрир» мазкур республиканинг Уш шаҳрида ўзининг минтақавий марказини барпо қилган. Биргина 2012 йилда Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ушбу оқимга тааллуқли 20 мингдан зиёд китоб ва дисклар мусодара қилинган.

Қозоғистонда йил сайин «Таблиғчи» ва «Салафий» диний жамоаларининг тарғибот-ташвиқот ишлари кучайиб, кенгайиб бормоқда. 2012 йил республикада 205 нафар «таблиғчи»нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилган. Республикада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун қўлга олинганлар сони ортмоқда. Масалан, 2010 йили уларнинг сони 8 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йили 44 тани, 2012 йилнинг биринчи ярмида 81 тани ташкил этган.

Сўнгги йилларда Қозоғистонда «Жундул халифат», Қирғизистонда «Жайш-ул Маҳдий» жиҳодий гуруҳларининг вужудга келиши, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонда террорчилар томонидан қатор қўпорувчилик амалларининг содир этилиши ақидапарастлар ичида радикаллашув жараёнининг кучайиб бораётганидан далолат беради.

Ён-атрофимизда диний-экстремистик ташкилотларнинг фаоллашуви биздан ҳушёрликни янада оширишни, айниқса, чегарадош ҳудудларда ушбу вазифага эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Зеро, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас».

Динни ниқоб қилган ҳолда Ўзбекистонни дунёвий-маърифий ва демократик тараққиёт йўлидан оғдиришга уринаётган турли ақидапараст гуруҳлар аъзолари иродаси бўш, билими саёз кишиларни, хусусан, ёшларни ўз таъсир доираларига тортишга уринмоқда. Буни «Жиҳодчилар», «Салафийлар», «Туркистон ислом ҳаракати», «Ҳизбут таҳрир», «Акромийлар», «Нурчилар» ва «Таблиғчилар» каби диний-экстремистик ташкилот ва норасмий диний жамоаларнинг фаолиятлари мисолида кўриш мумкин.

Айниқса, кейинги йилларда Марказий Осиё минтақасида «Жиҳодий» ва «Салафий» жамоаларининг таҳдиди алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим.

«Жиҳодчилар» — террор ва қўпорувчилик ҳаракатлари билан ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, амалдаги дунёвий конституцион тузумни ағдариб ташлаб, ислом амирлиги шаклидаги давлат қуришни мақсад қилган диний-сиёсий гуруҳлардир.

Пайғамбар Муҳаммад(с.а.в.)нинг яқин издошлари бўлган саҳобаларнинг «давомчилари» деб даъво қилаётган, аслида эса ғоя ва амал жиҳатдан улардан йироқ бўлган, ўзини «Салафийлар» деб атаётган диний-сиёсий гуруҳлар ислом жамияти қуриш давлатчиликнинг асоси бўлиши керак, деган шиор остида одамларнинг онги ва турмуш тарзидан миллий қадрият, урф-одатларни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Улар шариат аҳкомларига кўр-кўрона амал қилишни тарғиб этадилар, амал қилмаганларга нисбатан қаттиқ жазо қўллайдилар.

Мазкур мутаассиб оқим аъзоларининг бош мақсадлари — «жиҳод», «ҳижрат», «шаҳидлик», «кофир бўлиш» каби диний тушунчаларни сохта талқин қилиш орқали ёшларимизни оиласи ва яқинларидан, ўқиш ёки ишидан ажратиб олиш ҳамда уларни қуролли тўқнашувлар кетаётган Афғонистон ёки Покистон каби мамлакатларга жўнатиб, манқурт-жангари ёки «тирик бомба»га айлантиришдан иборат. Ушбу ёвуз мақсадлар йўлида ақидапараст оқимлар ўз фаолиятини меҳнат мигрантлари орасидаги ёшларни ўз таъсир доирасига олиш, «ҳужралар»да сохталаштирилган диний ғояларни сингдириш, диний экстремистик мазмундаги материалларни босма ва электрон шаклларда тарқатиш, интернет орқали тарғибот-ташвиқот ўтказиш каби усулларга йўналтирган.

Агар соф ислом таълимотига мурожаат этсак, ақидапарастлар юқорида қайд этилган тушунчаларни ўз мақсадларига монанд равишда бузиб тарғиб қилаётганликларига гувоҳ бўламиз.

> [3]

ҚВП ҲИСОБОТИ

# ТИББИЁТДА ТАРҒИБОТ МУҲИМ



Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

**Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғи вилоят марказидан анча олисда жойлашган. Нафақат вилоятнинг, балки бутун Фарғона водийсининг шимолидаги бу сўлим маскан қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгарди.**

Айниқса, шаҳардагидан қолишмайдиган савдо ва сервис, маиший хизмат шохобчалари Исковот кўркига кўрк қўшиб турибди. Бугунги кунда қишлоқ аҳли фахрланадиган яна бир бино бу — замонавий услубда барпо этилган қишлоқ врачлик пункти. Тиббий хизмат жамоаси эса аҳиллиги, фидойи меҳнати билан тумандагина эмас, вилоятда ҳам намунали саналади.

— Ўтган йил қишлоғимиз аҳли, қолаверса, жамоамиз учун унутилмас йил бўлди, — дейди пункт мудираси Маликахон Эралиева. — Ўттиз кишилик жамоамиз энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган янги бинода иш бошлади. Кечани кеча, кундузни кундуз, демасдан қилган эл саломатлигини асраш йўлидаги меҳнатларимиз самараси кўринди. Аниқроқ айтадиган бўлсам, «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» номинацияси бўйича ўтказилган Республика кўрик-танловида энг юқори ўринни эгаллаб, «Дамас» автомашинаси билан тақдирландик. Бу ютуқлар жамоамизга кўтаринки руҳ, янгича кайфият бағишлади. Энг асосийси, ҳудудда аҳолининг касалликларга чалиниши ой сайин камайиб бормоқда. Буни жорий йил биринчи чораги натижаларидан ҳам билса бўлади. Ўтган давр мобайнида ҳудудимизда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар умуман қайд этилмади. Туғуруқ ёшидаги аёллар ҳамда 14 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказдик. Уларнинг соғломлик даражаси аввалги йилларга солиштирганда бирмунча юқори. Бу кўрсаткичларга эришишда ҳудудимиздаги фуқаролар йиғинлари, маҳаллий зиёлилар билан ҳамкорлигимиз муҳим омил бўлмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Исковот» қишлоқ врачлик пункти 3 та маҳаллага, аниқроғи, салкам ўн минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида тўлиқ жиҳозланган масканда шифокорлар учун ҳам, даволанувчилар учун ҳам барча қулайликлар, шарт-шароитлар бор. Айниқса, янги оила қураётган ёшларнинг тиббий кўриги ҳам шу жойнинг ўзида амалга оширилади. Лабораторияда 11 та йўналишда мукаммал таҳлил ўтказилади. Беморлар эса бармоқ билан санарли. «Сизларга мазза эканда, шароит зўр, иш эса кам», дея ҳазиллашдик опага.

— Тиббиёт ходимида бўш вақт бўларканми, — дейди М.Эралиева. — Тарғибот-тушунтириш ишлари қанчалик кўламдор бўлса, тиббий маданият ҳам шунчалик юксалади. Шу боис асосий эътиборни профилактикага, аҳоли билан ишлашга қаратганмиз. Патронаж ҳамширалари, шифокорлар тез-тез жойларга чиқиб, турли учрашув ва суҳбатлар уюштиришмоқда. Ҳудудда икки мингдан зиёд оила мавжуд. Имкон қадар ой давомида уларнинг ҳар бирининг уйига кириб чиқамиз. Бундан ташқари, ҳар чорак якунида биз хизмат кўрсатадиган 3 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериб боришни қатъий йўлга қўйганмиз. Бу ҳам бўлса, аҳоли билан яқинлигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Яқинда ана шундай ҳисобот йиғилишларидан бири «Тинчлик» маҳалласи гузарида бўлди. Ҳудуддаги фаоллар, фуқаролар йиғини раҳбарлари ҳамда аҳоли вакиллари олдида ўтган уч ойдаги ишларимиз юзасидан ҳисобот бериб, келгуси режаларимиз, мавжуд муаммоларимиз билан ўртоқлашдик, касалликларнинг олдини олиш бўйича аҳолини ҳамкорликка чақирдик. Шу йиғинда маҳалла фахрийларидан Икромжон ота Давроновнинг гаплари ҳали ҳануз қулоғим остида жаранглаб турибди. «Ёшим 83 га кириб, қишлоғимизда тиббиёт бунчалик ривожланганини энди кўришим. Авваллари туман марказига қатнашимизга тўғри келарди. Энди ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмади», дейди у киши. Ишонсангиз, ана шундай маҳалладошларимиз борлигидан, уларга хизмат кўрсатиш шарафига муяссар бўлаётганимиздан мамнунмиз.

Малика опа билан узоқ суҳбатлашдик. Унинг гап оҳангида ишчанлик, фидойилик руҳи сезилиб турибди. Айниқса, маҳалла билан ҳамкорликдаги ишларни у тўлқинланиб гапирди. Зеро, бунга асос ҳам етарли. Ҳудуддаги ҳар бир оилага қадрдон бўлиб қолган маҳалла шифокорининг эзгу ишлари бароридан келаверсин.

Жамшид БЕК
«Mahalla»

ҚАРОР ВА ИЖРО

# КЎҲНА НАҚШУ НИГОРЛАРДА ЗАМОН НАФАСИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Қадимдан уста ҳунармандлар, косибу кулоллар, моҳир тўқувчилар юрти, дея эътироф этиладиган Фарғона водийсида ҳам ҳунармандчиликни ва оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини оммага кенг тушунтириш орқали бу соҳани ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

— Бўлимимиз томонидан тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, ҳунармандларга кўмак кўрсатиш, маҳаллаларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айлантиришдек долзарб вазифалар ижроси йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Фарғона вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси Нилуфархон Каримова. — «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан ўрин олган ушбу вазифаларнинг изчиллик билан бажарилаётгани боис, Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида, Риштон, Бешариқ, Бувайда, Тошлоқ туманларида аҳолини ҳунармандчилик билан банд этишнинг энг самарали йўналишлари излаб топилмоқда. Бу борада вилоятнинг олис, тоғли ҳудуди — Сўх туманида ҳам муайян натижаларга эришилиб, маҳоратли касб эгалари ва ҳунармандларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда.

Мамлакатхон Рўзиматовани фарғоналиклар попопчилар сулоласининг давомчиси сифатида яхши танишади, кўплаб кишиларга ҳунар ўргатиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашгани учун ҳурмат қилишади.

— Халқ амалий санъатининг мураккаб турларидан бири бўлган попопчилик, аслида машинада кашта тикиш касби, — дейди М.Рўзиматова. — Попоп машинада сатин, духоба ва бошқа сидирға матоларга йўрма чокида амалий безак, палак, ёстиқ жилди, дўппилар тайёрланади. Нозик дид, нафис ва жозибали нақш-гуллар билан безатилган попопчилик буюмлари ўзбек қизларининг сепини, келинчак уйини яшнатибгина қолмай, барчанинг кўзини қувнатади, гўзалликка ошно этади. Айни пайтда бу амалий санъат намуналарига хориж бозорларида ҳам харидорлар кўп.

М.Рўзиматова бошлиқ ҳунармандлар сулоласи шаҳар марказидаги савдо мажмуасида ўз дўкон ва расталарини очиб, замонавий мезонлар асосида тайёрланган маҳсулотларни элга етказмоқда. Юртимизда ҳунармандлар учун яратилган шарт-шароитлар, қулай тадбиркорлик муҳити, солиқ сиёсатидаги имтиёзлар уларнинг фаолиятида ҳам қўл келиб, маҳсулот турлари кўпайишига омил бўлаётир.

Попоп гулли сумкалар, костюмлару бежирим оёқ кийимлари айни баҳорий дамларда, шубҳасиз, аёллар кўркига кўрк қўшади. Бундай буюмларни харид қилишни истовчилар сони ортса ортадики, асло камаймайди. Ишбилармон аёл эса, бозор талабларини илғаб, кўп ва хўп пишиқ-пухта маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жиддий киришган.

Кўҳна нақшу нигорларни замонавий руҳда янгилаб, ялял товланган «каштали чаманзор»лар яратаётган ҳунармандннинг мақсадлари ойдин. Келажакда у маҳалла-кўй ва мамлакат тараққиётига ўз фаолиятини кенгайтириш орқали муносиб ҳисса қўшишни ният қилган.

Ю.ХОЖИЕВА
«Mahalla»

БАНДЛИК

# Ташаббус фаолликка ундайди

**Музработ туманидаги «Деҳиболо-Назари» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлик субъектлари талайгина. Шулардан бири Қурбон Алимардонов етакчилик қилиб келаётган «Мовароуннаҳр» фермер хўжалигидир.**

Маҳалладаги кўплаб хайрли ишларга бош қўшаётган, эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келаётган фермер хўжалиги яна бир эзгу ишга қўл урди. Ҳудудда паррандачиликка ихтисослаштирилган фермани ишга тушириб, уни замонавий ускуналар билан жиҳозлади. Натижада, 6 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Фермадаги юмушларни бажаришда компьютер технологияларининг имкониятларидан унумли фойдаланилаётгани эътиборга молик.

Фермер хўжалиги аъзолари фаолиятларини кенгайтириш мақсадида маҳаллада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехини ташкил этиш ҳаракатида. Демак, яқин орада яна бир нечта янги иш ўринлари юзага келади.

М.АЗИМОВ
«Mahalla»

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# «ЁШ ТАДБИРКОР ЛОЙИҲАСИ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида аҳоли учун сифатли ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда иқтисодиётнинг барча тармоқларини молиявий жиҳатдан фаол қўллаб-қувватлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки зиммасига республика иқтисодиётининг муҳим тармоқларини изчил ривожлантириш борасида юксак масъулият юкланиши натижасида банкнинг ушбу жараёнлардаги иштироки ва аҳамияти янада ошмоқда.**



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланишига кенг шароитлар яратиш «Асака» банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳага «Асака» банк томонидан 2012 йил давомида 526,7 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган бўлса, 2013 йил 1 чораги мобайнида ушбу соҳага 172,9 млрд. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Натижада 1350 тага яқин янги иш ўринлари яратилди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан 2013 йил мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилингани сабабли «Асака» банк томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида ўтказилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ўртасида «Ёш тадбиркор лойиҳаси» танлови шундай тадбирлардан биридир.

Ушбу танлов шартлари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинди. Танловда иштирок этиш учун банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жойлашган филиалларига банк мижозлари ва танловда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб лойиҳалар тақдим этилди.

Тақдим этилган лойиҳалар орасидан банк Бош офисида тузилган Ишчи гуруҳи томонидан совринли ўринларга муносиблари танлаб олинди. Бунда асосий эътибор тақдим этилган лойиҳалар бўйича яратилаётган янги иш ўринлари сонига, шу жумладан, коллеж битирувчилари учун ташкил этилаётган янги иш ўринлари сонига, шунингдек, ички истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари ва маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

Танлов якунларига кўра Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан қуйидаги иштирокчилар ғолиб деб топилди:

1-ўрин — **«Мамадалиева Шоҳистахон»** ХК лойиҳаси (Фарғона вилояти филиали);

2-ўрин — **«Термиз Ўрта Шарқ»** ХК лойиҳаси (Сурхондарё вилояти филиали);

3-ўрин — **«Бахмал Лидер чорвадор»** МЧЖ лойиҳаси (Сирдарё вилояти филиали).

Танлов ғолиблари имтиёзли шартларда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шу билан бирагаликда танловда иштирок эттан «Анзис» МЧЖ (Асака филиали), «Сибойс-Файз агро» МЧЖ (Жиззах вилояти филиали), «Formula Uyuta» МЧЖ (Навоий вилояти филиали), «Дипломат Пойабзал Саноат Савдо» МЧЖ (Наманган вилояти филиали), «Қўрғони Калон» ХИЧТФ (Самарқанд вилояти филиали), «White Milk» МЧЖ (Олтиариқ филиали), «Toshkent non savdo» МЧЖ (Тошкент шаҳар филиали) ва «Safo Tibbiyot» МЧЖ (Автотранспорт филиали) лойиҳалари ҳам имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирландилар.

2013 йилда «Асака» банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларига 684 млрд. сўм миқдорида кредит маблағларини йўналтириш режалаштирган.

# ҲУШЁРЛИК ВА ОГОҲЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

< [1]

Жумладан, «жиҳод» сўзи «жидду-жаҳд», яъни инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат қилиши маъносини англатади. Дарсини ўзлаштириш учун барча имкониятларини ишга солиб уринаётган ўсмир илм йўлида жиҳод қилмоқда, деса бўлади. Ҳадисда айтилади: «Бир киши Расулуллоҳ(с.а.в.)нинг ҳузурларига жиҳодга изн сўраб келди. Шунда унга: «Сенинг ота-онанг борми?» дедилар. «Ҳа», деди. «Бас, икковлари(хизмати)да жиҳод қил!» дедилар». Бошқа ҳадисда «Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг зотида ҳавои нафсингга қарши жиҳод қилмоғингдир», дейилган.

«Шаҳид» – ислом динига кўра, имон-эътиқоди, Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ва жаннатга кириш шаҳодат (ваъда) қилинган киши, демакдир. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ички касалликлар хуружи ва вабо билан ўлган, сувда чўккан, девор босиб қолиши ва бошқа айрим сабаблар билан ўлим топган кишиларга ҳам шаҳидлик мақоми берилади, деб таъкидлаганлар. Кишининг ўзини ўзи ўлдириши, гарчи нияти дин йўлида, деб эълон қилинса ҳам, шаҳид ҳисобланмайди, балки «ўз жонига суиқасд», деб баҳоланади. Ўз-ўзини портлатиб ҳам ўзининг, ҳам бошқаларнинг умрига зомин бўлганлар асло шаҳид эмас, балки энг оғир гуноҳ иш қилган шахс саналади. Қуръонда «Ўзларингизни ўлдирмангиз! ...» (Нисо, 29), дейилган. Ҳадиси қудсийда «Бандам ўзини ўзи ўлдириб, менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим», дейилган.

«Такфир» — мусулмонни имонсизликда айблаш демакдир. Жиҳодчилар уларга эргашмаган мусулмонларни «кофир», яъни «динсиз» деб асоссиз ҳукм чиқаради. Ҳадисда: «Кимки мўмин кишини «кофирсан» деб ҳақоратласа, гўёки унинг қонини тўкканчалик гуноҳ қилган бўлади», дейилган. Ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифа ўзининг «Ал-Фиқҳул акбар» асарида: «Бирор мусулмонни қилган гуноҳи сабабли кофирга чиқармаймиз, гарчи у кабира гуноҳ бўлса ҳам, башарти уни ҳалол деб эътиқод қилмаган бўлса, ундан имон исмини олиб ташламаймиз, уни ҳақиқий мўмин деб атайверамиз», деб таъкидлаган. Кўриб турганимиздек, исломда ҳалол меҳнат қилиб, юртига содиқ бўлган инсон у ёқда турсин, ҳаттоки оғир гуноҳга йўл қўйган мусулмонни ҳам «кофир», деб ҳукм чиқариш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган.

«Ҳижрат» сўзи луғатда бирор нарсадан ажрашни англатса, шариатда эса, бу сўз пайғамбаримизнинг Маккани тарк этиб, Мадинага боришига қиёсан қўлланилиб, мусулмонларнинг яшаб турган ерларини ташлаб, бошқа юртларга кўчиб кетишини назарда тутади. Ғараз мақсадларни кўзлаётган кимсалар «ҳижрат қилмаганлар кофир, кофир юртда яшамоқлик куфр», деган сохта даъво билан ватандошларимизни алдаб, уларни хориждаги жангарилар тайёрланадиган марказларга жўнатишга уринмоқда. Аслида эса, ислом таълимотига мувофиқ, Ўзбекистон каби мусулмонлар яшайдиган мамлакатдан «ҳижрат» қилинмайди.

Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, оқибатда, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган ишонч ва садоқатлари, меҳр ва мурувватларининг самимийлиги ҳам, асосан, хотиржамликка боғлиқдир. Қуръонда тинчликни сақлаш ва қадрлаш вазифаси барча инсонлар зиммасига юкланган: «Эй, имон келтирганлар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз!» (Бақара сураси, 208-оят).

Одамлар ўртасида иғво тарқатиш, фитна чиқариш ва жамиятда адоват қўзғаш ислом динида ҳаром қилинган катта гуноҳ амаллардан саналади: «Фитна қотилликдан ёмондир» (Бақара сураси, 191-оят).

Шу ўринда, жамиятда диний асосдаги низоларга олиб келиши мумкин бўлган миссионерлик ва прозелитизм муаммоларига ҳам эътиборни қаратиб ўтиш лозим. Маълумки, республикамизда виждон эркинлиги қонун билан кафолатланган. Фуқаролар ўзлари истаган динга эътиқод қилишлари мумкин. Бироқ ўз диний қарашларини бошқаларга зўрлик ёки алдов билан тарғиб қилиш, яъни бошқаларнинг диний эркинликларини поймол этиш қонунан ман этилган. Тарихда миссионерлик ўз ақидасини турли усуллар билан бошқаларга сингдириш ва ўзига муте қилиб олиш, охир-оқибатда эътиқодий бўйсиндиришни сиёсий бўйсиндиришга айлантиришга хизмат қилган. Бунга ўтган асрларда баъзи Ғарб мамлакатларининг Африка ва Осиё қитъаларида «колониялаштириш» сиёсатини ўтказишда миссионерликдан муҳим диний-сиёсий омил сифатида фойдалангани яққол мисол бўла олади.

Ҳозирда айрим расмий рўйхатдан ўтган ёки норасмий фаолият юритаётган ноисломий диний жамоаларнинг вакиллари томонидан миссионерлик фаолияти амалга оширилаётгани кузатилмоқда. Миссионерлар аксарият ҳолатларда ўз жамоасига жалб этиш учун турли ўқиш курслари очиб, ўз динига тарғиб қилиш, хорижга ўқишга ёки ишга жўнатиш, ёз фаслида болаларни дам олиш лагерларига жалб қилиш, хайрия ёрдами кўрсатиш, бепул тиббий ёрдам бериш ва газета-журналлар тарқатиш каби бир қарашда ўзига тортувчи, лекин замирида қабиҳ мақсадлар ётган усуллардан фойдаланмоқда.

Қонун билан тақиқланган миссионерлик билан шуғулланаётган баъзи ноисломий конфессияларнинг диний таълимотида Давлат рамзларини ҳурмат қилиш, Конституцион бурчни бажарган ҳолда ҳарбий хизматни ўташ, жамоат ишларида қатнашиш ман этилгани эса халқимиз учун ноанъанавий бўлган диний жамоа ва секта вакилларининг мақсади жамиятимиз аъзоларининг фуқаролик фаоллигини сўндиришга йўналтирилганидан яққол далолат беради.

Бундан ташқари, айрим ноисломий диний жамоаларда ушбу жамоага аъзо бўлган шахс билангина оила қуриш, жамоадан ташқаридан келаётган барча маълумотларни ёлғон ва зарарли деб билиш белгилаб қўйилган. Баъзиларида эса, оила қуриш умуман маъқулланмайди, улар даромадларининг деярли барчасини ушбу жамоа раҳбариятига топшириши лозим. Кўпчилик ноисломий жамоаларда адептлар доимий равишда товон (десятина) тўлаб бориши белгилаб қўйилган. Ушбу фактлар мазкур диний жамоаларда ўрнатилган тартиб шахс, оила ва жамият учун нақадар зарарли эканини тасдиқлайди.

Буюк аждодимиз Имом Термизий ривоят қилган ҳадисларнинг бирида: «Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан», дейилган. Биз қанчалик огоҳ ва ҳушёр бўлсак, муқаддас юртимиздаги тинчликка, оиламиз ва фарзандларимизга ёмон кўз билан қараётган кимсалар содир этиши мумкин бўлган фитна-фасод, хавф-хатардан омонда бўламиз.

Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш ҳушёрлик ва огоҳликни талаб этади. Огоҳлик мамлакатни фақат ҳарбий мудофаа қилиш эмас. Ақидапараст оқимларга ёки миссионерларга алданиб қолаётганлар ҳам юртимиз фуқаролари, кимнингдир ардоқлаб, катта орзулар билан ўстираётган азиз фарзанди. Агар биз ёшларимизни ўз вақтида диний мутаассиб оқимларнинг сохта ғояларига қарши зарур тушунчалар билан қуроллантирсак, уларни диний-экстремистик оқимлар ва миссионерларнинг таъсиридан ҳимоялаган бўламиз.

Бунинг учун эса, маънавият ва маърифат, тарбиявий ишларда сохтакорлик, шошма-шошарликдан қочишимиз, ушбу масалага турмуш икир-чикирлари ва ташвишларимиздан кейинги ўриндаги масала сифатида қарашга барҳам беришимиз керак. Ёш авлодни ватанпарвар, халқпарвар, миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга ғамхўрлик қилиш нафақат ҳукуматимиз, балки жамоат ва диний ташкилотлар, аввало, ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчи ҳисобланади.

Жонажон Ватанимизни, жамиятимиз тинчлигини, фуқароларимизнинг эътиқодини турли ёт ва зарарли ғоялардан фақат ўзимиз — Ўзбекистон халқи ҳимоя қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўткир ҲАСАНБОЕВ.

БОЛАЛАР СПОРТИ

# КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИНИНГ ЭРТАСИН ЎЙЛАБ




**Маҳалла фаоли Хайринисо момо нуқул кўчада ёхуд дуч келган муюлишда коптоқ тепаётган болаларни кузатиб, уларга спорт майдончаси жуда зарурлигини ўйлаб юрарди.**

Кунларнинг бирида ҳамма ишини йиғиштириб, шу масаланинг ечимини топишга чоғланди-да, идорага отланди.

— Хуш келибсиз, момо, — дея йиғин раисаси Бувҳожар Рустамова уни илиқ қарши олди. Раиса момонинг жонкуярлиги, маҳалла аҳли манфаати учун куйиб-пишиб юришини яхши биларди.

— Маҳалламиз болаларига спорт майдончалари қуриб бермасак бўлмайди, — дея тезда мақсадга ўтди момо. — Болалар қўли бўшади, дегунча дуч келган ерда тўп тепишяпти, спорт билан шуғулланиш учун эса махсус жой йўқ.

Йиғин раиси бу ҳақда ўйлаб юргани учун фаолнинг гапини дарров маъқуллади.

«Қаерда болалар учун спорт майдончаси ташкил этса бўлади? Яхшиси, бу ҳақда болаларнинг ўзларидан сўраган маъқул», дея бир тўхтамга келди раис.

Маҳалла болалари кўпқаватли уйлар орасида бўш турган жой ҳар томонлама қулай эканини айтишди. Раиса маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашиб, болалар танлаган жой ҳаммага маъқул бўлгач, спорт майдончасини барпо этишга киришди.

Ёшлар иштирокида ҳашар уюштирилиб, майдон ойнадек текисланди. Бу хайрли тадбирга каттаю кичик бажонидил ҳисса қўшишга интилди. Маҳаллада истиқомат қилувчи усталар майдонча четларига бежирим ўриндиқлар ясаб беришди, тадбиркорлар болалар учун турли хил спорт жиҳозлари совға қилишди. Болаларнинг ўзлари ҳам қараб туришмади, улар дарвоза устунлари учун тўрлар сотиб олдилар.

— Маҳалламизда болалар спорт майдончасини барпо этиш учун ҳомийларнинг 5 миллион сўмга яқин маблағи жалб этилди, — дейди Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Бувҳожар Рустамова. — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Гулистон шаҳар бўлинмаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали спорт майдончамиз учун турли хил жиҳозлар сотиб олишимизга кўмаклашди.

Ҳа, маҳалладаги илк спорт майдончаси шу тариқа бунёд этилганди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилгани боис, йиғин ҳудудида ҳозирда 4 та болалар спорт майдончаси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳудудда истиқомат қиладиган 4200 нафардан зиёд аҳолининг асосий қисми кўпқаватли уйларда яшашади. Улар фарзандларининг соғлом ва бақувват бўлишларида спортнинг аҳамияти катта эканини яхши билишади. Шу боис ҳамжиҳат бўлиб, ўз гўшаларининг ободонлиги, озодалиги ва фаровонлигини таъминлаш иштиёқи билан яшашмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг шу йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, «... асосий эътибор болалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозлаш, шунингдек, бу иншоотлардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш масалаларига қаратилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда».

Ёш авлод вакилларининг ўз иқтидор ва истеъдодларини намойиш этишлари учун турли тўгараклар, спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида тез-тез соғломлаштириш тадбирлари уюштирилади. Футбол, волейбол, кураш, стол тенниси бўйича доимий тарзда мусобақалар ўтказилаётир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Гулистон шаҳар бўлинмаси томонидан ҳам болалар спортини ривожлантириш бўйича ажратилаётган маблағлари ва ҳомийлар кўмагида кўплаб қишлоқ болаларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, Усмон Юсупов номидаги маҳалла болаларининг спорт майдончаси қурилиши ва бошқа зарурий анжомлар учун 8 миллион 300 минг сўм маблағ ажратилди. Бу борада маҳалла ҳудудида жойлашган «Гулистонэкстрактёғ» ҳиссадорлик жамияти ҳам ўз ёрдамини аямай келаётир. Шуниси қувонарлики, Наврўз айёми арафасида бу ерда яна битта болалар спорт майдончаси ишга туширилди.

Т. ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ АКЦИЯ

## «Биз — бир жамоа, биз — бир оила»




**Фонд Форум ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» ижтимоий акцияси Навоий вилоятида ҳам бўлиб ўтди.**

Тадбир доирасида Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази», Навоий информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежи ҳамда Навоий давлат педагогика институтида «Келажак овози» республика танлови ғолиблари иштирокидаги семинар-тренинглар, баҳс-мунозара клуби машғулотлари ташкил этилди.

«Навоийазот» ОАЖ томонидан «Келажак овози» танлови ғолиблари учун тушлик дастурхони ёзилиб, «Ширин» маданият саройи санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди.

Кўкрак бези саратонига чалинган хотин-қизларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадидаги «Ҳаёт учун» хайрия марафони барчани инсон саломатлиги учун ҳамжиҳатликда иш олиб боришга чорлади. Ушбу саховат тадбирида минглаб навоийликлар якдиллик билан иштирок этдилар.

Тадбир ниҳоясида «Ёшлик» спорт мажмуасида ўзбек эстрадаси ва кино юлдузлари иштирокида футбол-шоу ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

«Жаҳон чемпионати — 2013»

## Мусобақа давом этмоқда



**«Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги IV жаҳон чемпионати давом этмоқда.**

Ўсмирлар ўртасидаги вазни 85 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида ҳамюртимиз Амирзода Иброҳимов штангани даст кўтаришда 123 килограмм, силтаб кўтаришда 145 килограмм, иккикурашда эса 268 килограмм натижа қайд этди.

Ушбу вазн тоифасида Эрон, Хитой, Россия ва Италиядан келган спортчилар ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

77 килограмм оғирликдаги ўсмирлар баҳсида қатнашган вакилимиз Суннатилла Шокиржонов штангани даст кўтаришда 119 килограмм, силтаб кўтаришда 137 килограмм, иккикурашда 256 килограмм натижа кўрсатган бўлса, 63 килограмм вазн тоифасидаги қизлар мусобақасида Нуржаҳон Ҳошимова штангани даст кўтаришда 64 килограмм, силтаб кўтаришда 80 килограмм, иккикураш бўйича 144 килограмм натижага эга бўлди.

«Универсиада— 2013»

## Жамоалар сараланмоқда

**Нукусда олий ўқув юртлари талабаларининг Бухоро мезбонлик қиладиган «Универсиада — 2013» мусобақалари учун жамоавий ўйинлар бўйича минтақавий саралаш босқичи бўлиб ўтди.**

Шаҳарнинг йирик спорт иншоотларида волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти жамоалари ўзаро баҳслашди.




Кескин курашларга бой бўлган волейбол, баскетбол, қўл тўпи бўйича мусобақаларда қорақалпоғистонлик спортчи йигит-қизлар жамоаларининг қўли баланд келди.

«Турон» стадионида ўтказилган футбол баҳси, айниқса, қизиқарли кечди. Тенг курашлар остида ўтган ўйинда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.

«Универсиада — 2013» мусобақаларига йўлланма учун жавоб ўйинлари Хоразм вилоятида ўтказилиб, ғолиб жамоалар универсиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

## Юридик шахслар — бу...

САВОЛ: — *«Юридик шахс» атамасига кўп дуч келаман, аммо буни унча яхши тушунмайман. Илтимос мазкур атама ҳақида маълумот берсангиз.*

А.ЎРИНОВА.
Фарғона шаҳри.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгилаб қўйилганидек, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошириш, мажбуриятларни бажаришга қодир, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

## Хусусий ва оммавий мулкнинг фарқи нимада?

САВОЛ: — *Қонун ҳужжатларида хусусий мулк ва оммавий мулк атамаларига кўп дуч келамиз. Айтинг-чи, хусусий ва оммавий мулк қандай фарқланади?*

В.ФАРМОНОВ.
Оқдарё тумани.

ЖАВОБ: — Ўзбекистон Республикасида мулк хусусий ва оммавий мулк шаклларида бўлади. Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Бундай мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди.

Республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир.

И.ДАМИНОВ,
ҳуқуқшунос.




## Сув тошқини

**Россияда баҳорги сув тошқини мавсуми бошланди, дея хабар беради «РИА Новости» ахборот агентлиги. Ҳар йилгидек, бундан аҳоли азият чекмоқда.**



400 та оиланинг уйини сув босиб, баъзи иморатлар умуман яроқсиз аҳволга келган. 15 апрелгача сув яна кўпайиши ҳақида хабар берилган.

Воронеж вилоятидаги тўртта туманга сув тошқини катта моддий зарар етказган. Бу йилги сув тошқини ҳозиргача 16 та кўприкни вайрон қилган.

## Қадимги қушлар изидан...

**Олимлар томонидан 100-150 миллион йил илгари тўрт қанотли қушларнинг тош қолдиқлари аниқланди.**

Бир замонлар оёғи йирик патлар билан қопланган қушларнинг бўлгани олимларни ҳайратга солмоқда. Топилма Хитойнинг шимоли-шарқий ҳудудида аниқланган.

Маълум бўлишича, «Sapeornis» туркумига мансуб қушнинг ҳажми кичик бўлишига қарамай (30-35 сантиметр), танаси 3-5 сантиметрга тенг патлар билан қопланган.

Олимлар қадимги қушлар учун иккинчи жуфт қанот нима учун керак бўлганини аниқлашмоқда.

## Зилзила талафоти

**Эроннинг жануби-ғарбида жойлашган Бушер вилоятида 6,3 магнитудали зилзила рўй берди.**



«France-Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, табиий офат оқибатида 37 киши қурбон бўлган, 850 га яқин одам жароҳат олган.

Зилзила Каки, Кенган ва Хормуж шаҳарларига жиддий зарар етказган. Хормужда деярли барча қишлоқлар вайрон бўлган.

Бушер вилояти ҳокими мазкур ҳудудда жойлашган АЭСга зарар етмаганини таъкидламоқда.

## Антиқа рекорд

**Жоржия штатидаги талаба йигит тухумларни боши билан синдириш бўйича рекорд ўрнатди. Бунга эришиш учун унга бир неча йил керак бўлди.**

2012 йилнинг февралида унга телевизион томоша ташкилотчиларидан хат келди. Хатда унинг номини мусобақаларда иштирок этадиган ишқибозлар сўровидан топишгани маълум қилинган эди. Розилигини олгач, шоу вакиллари унга эришиши мумкин бўлган рекордлар рўйхатини тақдим этишди. У боши билан тухумларни синдириш мусобақасини танлади.

Шундан сўнг у онасининг ресторанида машқ қила бошлади. Натижада 2013 йилнинг мартида у боши билан 60 сонияда 142 та тухумни синдириб рекорд ўрнатди.

Интернет маълумотлари асосида
Нилуфар ЮНУСОВА тайёрланди.

ЭЪЛОН

«Mahalla» газетаси таҳририяти газетанинг Самарқанд вилояти бўйича мухбири лавозимига олий маълумотли, тажрибали, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ёритишга ихтисослашган журналистларни ишга таклиф қилади.

Номзод ҳақидаги маълумотлар *info@mahallagzt.uz* электрон почта ёки 233-10-73 рақамли факс орқали юборилиши мумкин.

БИР ҲОВУЧ ДУР

## Умрни ғанимат бил

*Хато қилмоқ — одамга хос хусусиятдир. Хатосини англаб, огоҳ тортган саодат эгасидир. Ўз хатосини эътироф этган одам — бу хатодан халос бўла олади. Кимки, хатосини бўйнига олмай, беҳуда далил келтириб алжирай берса, гуноҳи янада ортади. Хато қилган ўзини қанчалик лоф уриб оқласа, хатоси шунчалик рўй-рост кўринади. Унинг устига кибрланиб тортишув олиб борса, халқ орасида баттарроқ расво бўлади.*

***

*Қариялар муҳтожликка тушиб қолса, касб-ҳунар қила олмаса ва тилашга бормаса, уларга раҳм-шафқат қилишга шошил ва қўлингдан келганча эҳсон қил. Лекин камбағал йигит кетмон чопа олса, ўтин ташимоқни уддаласа, унга эҳсон қилмоқ — исроф қилмоқдир.*

***

*Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвғон умоч, хижолат ва машаққат билан еийлган қандли кулчадан яхшироқ. Эски чопон билан бемалол тупроқда ўтирмоқ — зарбоф тўн кийиб биров олдида тик тургандан яхшироқ.*

***

*Умрни ғанимат бил; соғлиқ ва омонликка шукр қил. Бойлик орттириш йўлини ахтарма; камсуқумлик билан ифтихор қил. Эътиқодингни ҳаммага айтиб юрма; пулингни совурма.*

***

*Бефойда гапни кўп айтма, фойдали гапни эшитишдан ҳеч қайтма. Оз гапирган — оз янглишади; оз еган — оз касалланади. Очлик негизида ҳикмат бор; тўқлик тагида ғафлат бор. Қорин тўйғазиш ҳирсини кўнгилдан йўқ қил; ўзинг оч қолсанг ҳам — бир очни тўқ қил.*

***

*Ўзингни ясантиришни хаёлингдан чиқар; гўзал либос кийишни истасанг, бир ялангочнинг эгнини бутла. Либос ҳар қанча зебодир, кийганингдан кийдирганинг яхшидир.*

Алишер НАВОИЙ.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# УМРИНГИЗГА, МУЛКИНГИЗГА ЗАРАР ЕТМАСИН

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар маҳалла тизимида ҳам ўзининг самарасини яққол кўрсатмоқда. Аслида юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, меҳнатимиз натижаси, оиламиз тинчлиги ҳам маҳалла билан боғлиқ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 20 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012-2013 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг 18 ноябрдаги «Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорлари мамлакатимизда аҳоли турар-жойлари ҳамда халқ хўжалиги масканларида ёнғиннинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги хизмати самарадорлигини янада оширишда дастуриламал бўлди.

Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ёнғин хавфсизлиги қоидалари тарғиботини йўлга қўйганлар. Жумладан, уч юз мингга яқин учрашув ва суҳбат ўтказилиб, уларда 1 ярим миллиондан зиёд киши иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда рўй берган ёнғинларнинг асосий қисми хусусий турар-жойларда содир бўлаётир. Уй-жой қилиб, мол-мулк орттириб, орзу-ҳавасли ҳаёт кечиришни эплаган айрим кишиларнинг ўз меҳнатлари самарасини офатдан сақлаш қоидалари борасида оддий тушунчага ҳам эга эмасликлари ачинарлидир.

Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси таҳлилларига кўра, ўтган йили содир бўлган ёнғинларнинг 75,8 фоизи аҳоли турар-жойларида рўй берган. Уларнинг 35,7 фоизи эҳтиётсизлик, 28,8 фоизи электр жиҳозларининг носозлиги, 22,3 фоизи иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш ёки уларнинг носозлиги ва 8,9 фоизи болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида келиб чиққан. Кўриниб турибдики, офатга, асосан, техник талабларга мутлақо жавоб бермайдиган газ плитаси, электр жиҳозлари ва печлари сабаб бўлаётир.

Табиий газни хонадонларга ўзбошимчалик билан улаб олиш, газ ускуналаридан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, газ ва электр қурилмаларидан нотўғри фойдаланиш каби салбий ҳолатларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда текширувлар амалга оширилаётир. Жумладан, 28 036 та корхона, муассаса, ташкилот, 3 млн. 666 минг 262 дан ортиқ аҳоли турар-жойлари, 33183 та кўпқаватли уй ва бошқа масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди.

Рейдлар натижасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган ёхуд ёнғин назорати бўйича ваколатли органларнинг ёзма кўрсатмаларини бажармаган ўн мингдан зиёд раҳбар шахс ва фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди. Улардан 440 млн. 947 минг 78 сўм миқдорда жарима ундирилди. Носозлиги зудлик билан бартараф этилмаса, ёнғин келиб чиқиш эҳтимоли бўлган 3201 та бино ва иншоотнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Шунингдек, 28 496 та электр ускуна, мослама ва агрегатдан фойдаланиш тақиқланди.

Бир сўз билан айтганда, қаерда газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланилса, шу ерга ёнғин хавф солиши муқаррар. Шундай экан, хавфсизлик қоидаларининг бузилишига қарши курашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги билан ўрнатилган жамоатчилик назоратини янада кучайтириш талаб этилади.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ,
Ички ишлар вазирлиги
Ёнғин хавфсизлиги
бош бошқармаси
катта муҳандиси, майор.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23690 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6887
Топшириш вақти — 21.30
Топширилди — 22.00